

## «ТАСДИҚЛАНГАН»

«O'zbekiston milliy elektr tarmoqlari» aksiyadorlik  
jamiyati ягона акциядорининг 2020 йил  
«11 » декабр даги 17-сон қарори билан

Давлат активларини бошқариш агентлиги  
директорининг ўринбосари в.б.

М.Н.Набиев

2020 йил « 15 »



Т.Набиев

## «РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

Ўзбекистон Республикаси  
Капитал бозорини ривожлантириш  
агентлиги томонидан

Директор ўринбосари

Д.Мухамедов

2021 йил « 15 » январь

Р0899-3 - сон

М.ў.

## ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

«O'zbekiston milliy elektr tarmoqlari» aksiyadorlik jamiyati

Идентификация раками оддий  
акцияларга берилди:

R U 1 0 3 P 0 8 9 9 T 4

Ҳар бирининг номинал қиймати 100 сўм бўлган 3 100 258 418 (уч миллиард бир юз миллион икки юз эллик саккиз минг тўрт юз ўн саккиз) дона эгасининг номи ёзилган хужжатеиз оддий акциялардан иборат.

Акцияларниң ушбу чиқарилиши ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

Акцияларниң ушбу чиқарилиши учинчи чиқарилишdir.

Тасдиқланган: «O'zbekiston milliy elektr tarmoqlari» aksiyadorlik jamiyati ягона акциядорининг 2020 йил 11 декабр даги 17-сон қарори билан.

«O'zbekiston milliy elektr tarmoqlari» aksiyadorlik jamiyati ягона акциядорининг 2020 йил « 11 » декабр даги 17-сон қарори асосида.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, электрон почта манзили ва мулоқот телефонлари:

100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 42-уй,  
телефон: (+998 71) 236-69-15, электрон почта: info@uzbekistonmet.uz



Эмитентнинг раҳбари

Бош бухгалтер

Мухр

Д.А.Исақулов

Д.А.Исақулов

Б.Ж.Хайдаров

2020 йил « 11 » декабрь

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): оддий;

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **хужжатсиз**;

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал киймати (сўм): **100 (бир юз) сўм**;

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **3 100 258 418** (уч миллиард бир юз миллион икки юз эллик саккиз минг тўрт юз ўн саккиз) дона;

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **310 025 841 800,0** (уч юз ўн миллиард йигирма беш миллион саккиз юз қирқ бир минг саккиз юз) сўм;

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳукуклари:

**Акциядорлар:**

жамият акциядорларининг реестрига киритилиши;

депо хисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

жамият тутатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорларнинг умумий йигилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳукукларини химоя қилиш;

ўзига етказилган заарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва химоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда заар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳукуқига эга.

Шунингдек акциядорлар қонун ҳужжатларига ва Жамият уставига мувофиқ бошқа ҳукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставида чеклашлар мавжуд эмас.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 24 октябрдаги 455-ф-сон фармойиши ва «O’zbekiston milliy elektr tarmoqlari» акциядорлик жамиятини ягона акциядорининг 2020 йил **«11»** декабрдаги 17-сон қарорига асосан ёпиқ обуна усулида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига жойлаштирилди.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **4 892 285 268 500** (тўрт триллион саккиз юз тўқсан икки миллиард икки юз саксон беш миллион икки юз олтмиш саккиз минг беш юз) сўм;

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

**48 922 852 685** (кирқ саккиз миллиард тўққиз юз йигирма икки миллион саккиз юз эллик икки минг олти юз саксон беш) дона ҳужжатсиз оддий акциялар.

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

**Жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

Ушбу чиқарилишдаги акциялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш хамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сон фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 24 октябрдаги 455-ф-сон фармойишига асосан ёпиқ обуна усулида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб бир йил давомида жойлаштирилади.

*Акцияларни жойлаштиришини бошлини санаси:* Акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтган сана.

*Акцияларни жойлаштиришини тугатиш санаси:* Ушбу чиқарилишдаги энг охирги акция жойлашган сана, лекин ушбу чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтган санадан 365 кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар «O'zbekiston milliy elektr tarmoqlari» aksiyadorlik jamiyati ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўртасида биржадан ташқари уюшмаган бозорларда тўғридан-тўғри битим тузиш ва Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсида рўйхатдан ўтказиш ўйли билан жойлаштирилади.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришга андеррайтерларни жалб қилиш кўзда тутилмаган.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

**Жамият акцияларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобини юритиш, Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилади.**

Марказий депозитарий ҳақида маълумот:

Тўлиқ номи: Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси давлат корхонаси;

Ташкилий ҳуқуқий шакли: Давлат унитар корхонаси;

Жойлашган жойи - 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳкӯчаси 107 уй;

Почта манзили - 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳкӯчаси 107 уй;

телефон: 71-267-37-42, Факс: 71-267-36-87. e-mail: [info@deponet.uz](mailto:info@deponet.uz), вэб манзили: [www.deponet.uz](http://www.deponet.uz).

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳукукни амалга ошириш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг жойлаштиришда имтиёзли ҳукуқдан фойдаланиш кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар 100 сўмдан жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 26 октябрдаги 455-ф-сон фармойишига асосан мазкур фармойишининг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган «O'zbekiston milliy elektr tarmoqlari» акциядорлик жамиятининг устав капиталидаги давлат улушини ошириш учун берилган активларнинг 310 025 841 756,03 сўмлик баланс (қолдик) қийматлари ва олдинги акциялар чиқарилувида 69 сўм 97 тийин қолдиқ ҳисобига амалга оширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни кайтариш тартиби:

Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда жамият томонидан ўн кунлик муддатда акциялар учун ўтказилган тўлов воситалари белгиланган тартибда қайтарилади.

12. Эмитент томонидан кимматли қофозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Ушбу акциялар чиқарилиши билан боғлиқ мухим фактлар тўғрисидаги маълумот (ахборот) жамият расмий веб-сайти ([uzbekistonmet.uz](http://uzbekistonmet.uz))да ва ягона корпоратив ахборотлар портали ([openinfo.uz](http://openinfo.uz))да қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда ошкор қилинади.

Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор асл нусхаси билан барча манфаатдор шахслар Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 42-й манзилида танишиши мумкин.

13. Бошқа маълумотлар.

Кўзда тутилмаган.